

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTАН

„ 18 „ июнь 2019 ы.

№ 510

Toshkent sh.

**Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини
такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони ҳамда “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 14 мартдаги ПҚ–4239-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг озуқа моддалари билан таъминланганлик даражасини доимий кузагиб бориш, қишлоқ хўжалиги экинларининг минерал ўғитларга бўлган илмий талабини аниқлаш учун агрокимёвий картограммаларни ишлаб чиқиш, минерал ўғитлардан тупроқнинг ҳолати ва экин турига мувофиқ контурлар кесимида табақалаштириб фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган:

Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини олиб бориш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш ва агрокимёвий картограммаларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицидлар, нитратлар ва оғир металл тузларининг қолдиқ миқдорини аниқлаш тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 14 мартдаги ПҚ–4239-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2019 йилдан бошлаб суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари тупроғини, ҳар йили умумий майдоннинг камида 20 фоизи ҳисобидан келиб чиқиб, таҳлил қилиш ва агрокимёвий картограммаларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг балл бонитетини, ҳар бир дала контури бўйича тупроқ таркиби, озуқа элементлари, фосфор ва калий билан таъминланганлик даражаси бўйича агрокимёвий картограммалар тузиш ва улар асосида қишлоқ хўжалиги экинларида қўлланадиган органик ва минерал ўғитларнинг йиллик меъёрларига тегишли тузатишлар киритиш, шунингдек, органик ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг озуқа моддалари билан таъминланганлик даражаси бўйича электрон картограммаларни тузиш, агрокимёвий маълумотлар базасини замонавий географик ахборот тизими технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда яратиш, уларнинг даврий ўзгаришларини таҳлил қилиб бориш;

дала шароитида тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан намуналар олиб, уларнинг таркибидаги пестицид ва нитрат қолдиқлари миқдорини таҳлил қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида пестицид ва нитрат қолдиқлари миқдори кўрсатилган гувоҳномалар билан таъминлаш;

сув ва ўсимлик таркибидаги минерал ва органик ўғитларнинг кимёвий таҳлилинини ўтказиш учун махсус замонавий стационар ва кўчма лабораторияларни ташкил этиш;

ҳар йили ўрганилган вилоятларнинг (туманлар) суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг озуқа элементлари билан таъминланганлик даражаси бўйича тегишли хулоса ва тавсияларни тайёрлаш ҳамда маҳаллий ҳокимликларга минерал ва органик ўғитлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бурсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифлари асосида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳар йили камида 20 фоизида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилларини олиб бориш ҳамда агрокимёвий картограммалар ишлаб чиқиш харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида маблағлар назарда тутилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сув ва ўсимлик таркибидаги минерал ва органик ўғитларнинг кимёвий таҳлилини ўтказиш имконини берувчи махсус замонавий стационар ва кўчма лабораториялар ташкил этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг “Тупроқ боинитировкаси” шўъба корхонаси негизда “Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш бўйича таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси белгиланган тартибда Марказнинг устави ва тузилмасини тасдиқласин ҳамда унинг фаолияти йўлга қўйилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёҳимоя” ва “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятлари билан биргаликда:

ҳар йили минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш балансини шакллантиришда тупроқнинг озуқа моддалари билан таъминланганлик ҳолати ва илмий асосланган эҳтиёжи инобатга олиниши;

илмий асосланган эҳтиёжга мувофиқ қишлоқ хўжалиги экинлари учун ажратилган минерал ўғитлар табақалаштирилган ҳолда жойларга етказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш, турли қишлоқ хўжалиги экинлари учун замонавий смарт (ақлли) ўғитлаш тизимини яратиш, агрокимёвий услубий кўрсатмаларни такомиллаштириш, хорижий давлатларнинг минерал ўғитларни самарали қўллаш технологиялари ва тажрибаларини ўрганиш ва амалиётда қўллаш бўйича илмий-техник давлат гранти лойиҳаларини молиялаштириб бориш вазифаси юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида ўтказилган тупроқнинг агрокимёвий таҳлиллари натижалари, шуингдек, тупроқ унумдорлиги пасайишига йўл қўйган ердан фойдаланувчилар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига доимий равишда таҳлилий маълумотлар киритиб борсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - молия вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлайтириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “18” _____ ИЮНдаги 510-сон қарорига
1-илова

Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилни олиб бориш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қишлоқ хўжалиги экин ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилни олиб бориш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

агрокимёвий таҳлил – тупроқ таркибидаги ўсимлик учун зарур озуқа элементларининг ҳаракатчан шакллари (ҳаракатчан фосфор, алмашувчан калий) ва гумус миқдорини аниқлаш;

агрокимёвий картограмма – тупроқдаги ўсимлик ўзлаштира оладиган озуқа элементларн – ҳаракатчан фосфор, алмашувчан калий ва гумус билан таъминланганлик даражасини кўрсатиб берадиган, ранглар билан ажратиладиган картограмма;

тупроқнинг агрокимёвий таҳлили даврийлиги – навбатдаги тупроқнинг агрокимёвий таҳлилни ўтказиш оралиғигача бўлган давр;

аралаш намуна – оддий майдончанинг бир неча нуқталаридан олинган алоҳида тупроқ намуналарининг аралашмаси;

оддий майдонча – битта аралаш намуна билан тавсифланадиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдони;

ер участкаси – давлат ер кадастри ҳужжатларида аниқ чегарага эга бўлган майдон, жойлашган ўрни, ҳуқуқий мақоми ва бошқа тавсифлари кўрсатилган ер фондининг қисми;

гумус - тупроқнинг ўсимлик ва ҳайвонот колдиклари асосида кечадиган биокимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўладиган мураккаб таркибли ўзига хос органик қисми;

суғорнладиган қишлоқ хўжалиги ерларн – суғорма деҳқончиликда фойдаланиладиган ерлар;

тупроқ – сув, ҳаво, органнзмлар ва инсон фаолиятининг биргаликдаги таъсирида литосферанинг юза қатламида юзага келадиган, генетик жиҳатдан боғлиқ қатламлардан (тупроқ профилини шакллантиришдан) иборат жонли ва жонсиз табиатга хос бир қатор хусусиятларга эга бўлган махсус табиий маҳсулот;

тупроқ таҳлили – тупроқ таркибидаги гумус ва озуқа элементлари миқдорини аниқлашнинг кимёвий усуллари.

2. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили маълумотлари ва шу асосда тузилган агрокимёвий картограммалар суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида минерал ва органик ўғитлардан тупроқнинг гумус ва озуқа моддалари билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олиб, табақалаштирган ҳолда фойдаланиш учун асос бўлади.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилади:

- тавсиялар ва илмий асосланган ўғитлаш тизимини ишлаб чиқиш;
- экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш;
- ер фондидан жорий ва кўп йиллик фойдаланишни режалаштириш.

3. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили ҳуқуқий ҳолати тегишли ҳужжат (ваколатли органнинг қарори) асосида белгиланган ёки туманнинг ер кадастри дафтарида тегишли ёзув билан қайд этилган барча суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида ўтказилади.

4. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказишда илмий-услугий раҳбарлик “Давергеодезкадастр” кўмитасининг Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти томонидан амалга оширилади.

5. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини амалга ошириш тартиби иловадаги схемага мувофиқ олиб борилади.

2-боб. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини олиб бориш ишларинини ташкил этиш

6. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш буюртмачиси - “Давергеодезкадастр” кўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

- тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш режаларини тузиши;
- вилоят ҳокимликларини тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш режасидан хабардор қилиши;

тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметасини ишлаб чиқиши ва бажарувчи билан шартнома тузиши;

- тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш дастурини тасдиқлаши;
- тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш муддатини ҳамда назорат қилиш тизимини белгилаши;

тупроқнинг агрокимёвий таҳлили якуний маълумотларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва унинг натижаларини ер кадастри ҳужжатларига киритиши лозим.

7. Туман ҳокимликлари:

Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили ишларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли фармойишни қабул қилади.

Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш учун зарур бўлган материалларни тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказувчисига тақдим этади.

8. Тупроқнинг хайдалма қатламидаги гумус, ҳаракатчан фосфор, алмашувчан калий миқдори даврий равишда олиб бориладиган тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижалари асосида аниқланади.

Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили суғориладиган кишлок хўжалиги ерлари учун ҳар беш йилда ва давлат нав синаш участкалари ва тажриба хўжаликлари учун ҳар икки йилда ўтказилади. Ердан фойдаланувчиларнинг талабига кўра, тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш муддати қисқартирилиши мумкин.

3-боб. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказишга тайёргарлик кўриш

9. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказувчи (“Давергеодезкадастр” кўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлари) “Давергеодезкадастр” кўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган техник топшириққа асосан ушбу ишларни ўтказиш учун тегишли шартномани тайёрлайди ва тасдиқлаш учун буюртмачига тақдим этади.

10. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказишга тайёргарлик кўриш тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказувчи томонидан амалга оширилади.

11. Суғориладиган кишлок хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш режасида ҳар йили бажариладиган ишларнинг ер турлари бўйича ҳажми, кимёвий таҳлил қилинадиган тупроқ намуналарининг сони, уларни бажариш услублари белгиланган ҳолда кўрсатилади. Маъмурий туманлар бўйича ишларни бажариш навбати аниқланади. Маъмурий туманлар тупроқларининг агрокимёвий таҳлили бир дала мавсумида бажарилиши лозим.

12. Таҳлиллар ўтказилиши режалаштирилган суғориладиган кишлок хўжалиги ерларида тупроқ майдонлари ушбу ишларни бажариш режалаштирилган йилдан олдинги йил 1 январь ҳолатидаги ер ҳисоботи бўйича аниқланади.

13. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилинини ўтказиш учун экспедиция дала гуруҳлари ташкил қилинади, гуруҳ таркиби ва мутахассислар сони бажариладиган ишлар ҳажми ва хусусиятидан келиб чиқиб аниқланади.

14. Тупроқнинг агрохимёвий таҳлилини ўтказувчи ташкилот раҳбари бажариладиган ишларни режалаштириш, ташкил этиш, иш сифати ва шартномавий мажбуриятларга риоя қилиш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

4-боб. Тупроқнинг агрохимёвий таҳлили бўйича дала ишларини ташкил қилиш

15. Дала ишларини бажаришга киришиш арафасида мутахассислар керакли анжомлар, асбоб-ускуналар билан таъминланади.

16. Мутахассис туманга келгандан сўнг ўғитлар ва бошқа кимёвий воситаларни қўллаш, агротехник тадбирлар, ўтказилган мелиоратив ишлар, охирги 3-5 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги тўғрисидаги ва бошқа керакли маълумотларни йиғади.

17. Тупроқшунос-агрохимёгар паспортлаштириладиган участкалар (алоҳида ишлов берилувчи ёки иш майдонлари) схемасини тузади.

18. Бирлаштирилган тупроқ намуналари экинларнинг бутун вегетация даврида олинади.

19. Фақат органик ўғитлар қўлланиладиган далалардан бирлаштирилган тупроқ намуналари экинларнинг бутун вегетация даврида олинади.

20. “Давергеодезкадастр” қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли ташкилотлари томонидан тайёрланган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш тарҳи, тупроқнинг агрохимёвий таҳлилини ўтказишда, ер участкаси контурлари чегараси ва ишчи майдончалар чегараларини туширишда асос бўлиб хизмат қилади.

5-боб. Тупроқнинг агрохимёвий таҳлилини ўтказиш учун бирлаштирилган тупроқ намуналарини олиш

21. Бирлаштирилган тупроқ намуналарини олиш маршрут йўналиши усули билан амалга оширилади.

22. Бирлаштирилган тупроқ намуналари оддий майдончадан олинади. Ҳар бир оддий майдончадан битта бирлаштирилган тупроқ намунаси олинади.

23. Тупроқнинг агрохимёвий таҳлилини ўтказиш тупроқнинг хилма-хиллиги ва рельефининг жойлашувига мувофиқ танланади. Бунда, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида оддий майдонча катталиги 5 гектарни ташкил қилади.

24. Мевали боғ ва узумзорлар кварталларга бўлингандан кейин ҳар бир квартал оддий майдонча ҳисобланади. Одатда, квартал катталиги 4,5 - 5 гектарни ташкил этади.

25. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказишда тупроқнинг унумдорлик ва агрокимёвий кўрсаткичларини белгиловчи таркиби қуйидагилардан иборат:

- а) чиринди (гумус);
- б) ҳаракатчан фосфор;
- в) алмашувчан калий.

26. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижалари бўйича агрокимёвий картограммалар ишлаб чиқилади.

27. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижалари хўжалик, туман, вилоят ва республика миқёсида умумлаштирилади.

6-боб. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун агрокимёвий картограммалар тузиш

28. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижасида аниқланган барча кўрсаткичлар бўйича хўжаликнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун агрокимёвий картограммалар тайёрланади.

29. Муаллифлик картограммасининг асл нусхаси (оригинали) хўжаликда дала масштабида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказган мутахассислар томонидан тузилади.

30. Оддий майдончалар тупроқнинг агрокимёвий кўрсаткичлари бўйича амалдаги агрокимёвий гуруҳлаш градацияларини эътиборга олган ҳолда озуқа элементлари билан таъминланганлик гуруҳларига бирлаштирилади. Градацияларни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

31. Вилоят ва туманларнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун агрокимёвий картограммалар ва дала паспортларини тузишда фойдаланиладиган барча материалларнинг бир нусхаси тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш учун тайинланган ташкилотларнинг архивида сақланади.

32. Тупроқнинг умумлаштирилган агрокимёвий тавсифи кўрсаткичлари турли усуллар: ўсимликлар озуқа элементлари миқдорининг ўртача қийматини аниқлаш йўли билан ёки аниқланадиган элементларнинг миқдорлари бўйича фарқ қиладиган майдонлар нисбатини аниқлаш йўли билан белгиланади.

Ўсимликлар озуқа элементлари миқдорининг ўртача қийматини аниқлаш йўли қуйидагича амалга оширилади: алоҳида хўжаликларнинг агрокимёвий картограммалари ва аналитик ведомостлари асосида фермер хўжалиги ёки массив ҳудуди учун аниқланадиган кўрсаткичларнинг ўртача қийматини ҳисоблаш йўли билан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Y = \frac{a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n}{a_1 + a_2 + \dots + a_n} = \frac{\sum_1^n a_nx_n}{\sum_1^n a_n}$$

Бунда $a_1 \dots a_n$ – озуқа элементлари миқдори бўйича тегишли гуруҳга кирувчи тупроқ майдони ёки ушбу майдоннинг тадқиқ қилинган умумий майдондан фоиздаги улуши;

$x_1 \dots x_n$ – ҳар бир гуруҳдаги кўрсаткичларнинг ўртача қиймати.

Тупроқдаги озуқа элементлари миқдори билан фарқланувчи майдонлар нисбатларини аниқлашда қишлоқ хўжалиги ер майдонлари турли нисбатларга эга 5-6 та гуруҳга ажратилади.

7-боб. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилининг яқуний ведомостини тузиш

33. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили кўрсаткичларининг турли параметрлари бўйича майдонлар тақсимланишининг яқуний ведомости майдонлар ҳисоблангани назарда тутилган барча ер турлари бўйича фермер хўжаликлари ва массивлар учун тузилади.

34. Ҳисоб-китоблар натижалари агрокимёвий картограмманинг экспликациясига ва озуқа элементлари миқдорларини сақловчи майдонлар тўғрисидаги ҳисоботлар яқуний ведомостга ёзилади. Бу ведомостлар тупроқнинг агрокимёвий таҳлили бўйича тушунтириш хатларида келтирилади.

Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилининг ўтказувчи ташкилотларда таҳлил натижаларини тизимлаштириш мақсадида тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижалари картотекаси тузилади.

35. Қишлоқ хўжалиги ташкилотларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижалари карточкиси картотеканинг асосини ташкил этади. Картотекалар маъмурий туманлар бўйича гуруҳланади.

36. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижалари вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва унинг туман бўлимларига, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда унинг туман бўлимларига юк хатлари орқали топширилади.

37. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили бўйича яқуний маълумотларни кўриб чиқиш юзасидан ҳар бир туманда комиссия тузилади. Мазкур комиссия таркибига туман ҳокимининг ўринбосари (раис), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиқлари (раис ўринбосари), туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бошлиқлари киритилади.

38. Туман комиссияси тупроқнинг агрокимёвий таҳлили бўйича яқуний маълумотларни уни топширилган кунидан бошлаб 10 кун муддат ичида кўриб чиқади ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш учун туман ҳокимининг қарори билан тасдиқлайди.

Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини
олиб бориш тартиби тўғрисида низомга
илова

Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини амалга ошириш тартиби
СХЕМАСИ

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш мuddатлари
I-босқич	Давергеодезкадастр кўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (буюртмачи)	<p>Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини амалга ошириш режаларини тузади; туман ҳокимликларини тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш режасидан хабардор қилади; тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметасини ишлаб чиқади, бажарувчи билан шартнома тузади; тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш дастурини тасдиқлайди; тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш мuddатини ҳамда назорат қилиш тизимини белгилайди; тупроқнинг агрокимёвий таҳлили якуний маълумотларини қабул қилади, кўриб чиқади ва унинг натижаларини ер кадастри хужжатларига киритилишини таъминлайди.</p>	<p>ҳар йили январь ойида ҳар йили январь ойида</p> <p>ҳар йили I чорақда (иш бажаришдан олдин)</p> <p>ҳар йили I чорақда</p> <p>ҳар йили январь-февраль ойларида тайёр бўлишига кўра</p>
II-босқич	Туман ҳокимликлари	<p>Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили ишларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли фармойишни қабул қилади; Тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш учун зарур бўлган материалларни тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказувчисига тақдим этади.</p>	<p>тупроқнинг агрокимёвий таҳлили ишлари бажарилиши тўғрисида хабарнома олингандан сўнг 3 кун мuddатда</p>
III-босқич	Давергеодезкадастр кўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар (бажарувчи)	<p>Тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги гумус, ҳаракатчан фосфор, алмашувчан калий микдорини даврий равишда олиб бориладиган тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижалари асосида аниқлайди. Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили: сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ҳар беш йилда; давлат нав синаш участкалари ва тажриба хўжаликлари учун ҳар икки йилда ўтказилади.</p>	<p>даврий равишда</p> <p>ҳар беш йилда</p> <p>ҳар икки йилда</p>

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
IV-босқич	Давергеодезкадастр қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар (бажарувчи)	Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили натижалари вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва унинг туман бўлимларига, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда унинг туман бўлимларига юк хатлари орқали топширилади.	Шартномада кўрсатишган муддатда
V-босқич	Туман ҳокимлиги, туман ишчи комиссияси	Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили бўйича якуний маълумотларни кўриб чиқиш юзасидан ҳар бир туманда комиссия тузилади. Мазкур комиссия таркибига туман ҳокимининг ўринбосари (раис), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиқлари (раис ўринбосари), туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бошлиқлари киритилади. Туман комиссияси тупроқнинг агрокимёвий таҳлили бўйича якуний маълумотларни уни топширилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида кўриб чиқади ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш учун туман ҳокимининг қарори билан тасдиқлайди.	Якуний маълумотлар топширилган кундан бошлаб 10 кун ичида

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 18 ” ИЮН даги 510-сон қарорига
2-илова

**Сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш ва агрокимёвий картограммаларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицидлар, нитратлар ва оғир металл тузларининг қолдиқ миқдорини аниқлаш тизимини жорий этиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъуллар
Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий тадқиқот ишларини такомиллаштириш			
1	Сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш ҳамда картограммаларини тузиш бўйича услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.	2019 йил июль	“Давергеодезкадастр” кўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
2	Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Наманган вилоятларининг сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш ва агрокимёвий картограммаларини ишлаб чиқиш.	2019 йил июль-декабрь	“Давергеодезкадастр” кўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Навоий ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари
3	Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш ва агрокимёвий картограммаларини ишлаб чиқиш.	2020 йил январь-декабрь	“Давергеодезкадастр” кўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари
4	Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш ва агрокимёвий картограммаларини ишлаб чиқиш.	2021 йил январь-декабрь	“Давергеодезкадастр” кўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъуллар
5	Андижон, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларининг суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш ва агрокимёвий картограммаларини ишлаб чиқиш.	2022 йил январь-декабрь	“Давергеодезкадастр” кўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Андижон, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари
6	Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлилини ўтказиш ва агрокимёвий картограммаларини ишлаб чиқиш.	2023 йил январь-декабрь	“Давергеодезкадастр” кўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицидлар, нитратлар ва оғир металл тузларининг қолдиқ миқдорини аниқлаш тизимини жорий этиш			
7	Экспортга чиқариладиган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (мева, сабзавот, полиз ва бошқалар) таркибидаги пестицид ва нитрат қолдиқлари бўйича таҳлил хулосаларини олиш мақсадида лабораторияларни белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказиш.	2019 йил июль-август	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ
8	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги пестицидлар, нитратлар ва оғир металл тузлари қолдиқларини аниқлаш мақсадида дала шароитида намуналар олиб, лаборатория таҳлиллари асосида хулосалар бериш тизимини жорий этиш.	2019 йил сентябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ, “Ўзстандарт” агентлиги
9	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг пишиб етилиши даврида омборга киритишдан, савдога чиқаришдан ва қайта ишлашдан олдин маҳсулотлар таркибидаги пестицидлар, нитратлар ва оғир металл тузлари қолдиқларини аниқлаш учун лаборатория таҳлилларини ўтказиш ва тегишли хулосалар бериш.	доимий	“Ўзагрокимёхимоя” АЖ, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кластерлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Масъуллар
Қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив ҳосилдорлигини белгилаш			
10	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун қишлоқ хўжалиги экинларини норматив ҳосилдорлигини амалдаги тартибга асосан тупроқлар ўртача бонитет бали билан қишлоқ хўжалиги экинлари, боғлар ва токзорларнинг тупроқ бонитетининг бир бонитет балига мос норматив ҳосилдорликнинг йиғиндиси сифатида ҳисоблаб чиқиш.	ҳар йили	“Давергеодезкадастр” кумитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари

